

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ

Уразбаев Самандар Кутлымурат ўғли,

Ўзбекистан Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим курсанти

Сўнгги пайтларда қизлар ва аёллар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятлар сони ортиб бормоқда. Ҳафта давомида рўй бераётган янгиликлар ичида биттаси албатта шу ҳақида бўлади. Боласини сотган, ташлаб кетган қизлар, турмуш ўртоғини, оила аъзоларини ўлдиришга жазм қилган аёлларнинг сони камайиш ўрнига ўсиб бормоқда. Балки олдинлари ҳам бундай мудҳиш воқеалар кўплаб бўлган бўлиши мумкин. Лекин, бугун ахборот тарқатиш ривожлангани учун ҳам сув тубига чўкиб ётган баъзи оғриқли нуқталар энди кўриниш бермоқда. Айрим хотин- қизларимиз диний ва инсоний ахлоқ қоидаларини англаб етмагани боис, (масалан, никоҳсиз фарзанд кўриш ва бошқалар) ўз хатоларини яшириш мақсадида (ёки эл-юрт олдида қандай бош кўтариб юриши ҳақидаги турли ўй-фикрлар) ана шундай ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Баъзи ҳолларда бундай ҳолатларга эркаклар ҳам сабабчи бўлиб, аёлларимиз зўравонлик қурбонига айланиб, стресс ҳолатида жиноятларга йўл қўймоқдалар. Бунда жамоат вакилларининг вақтида муаммодан хабар топмай уларга тегишли ёрдамни вақтида кўрсатмагани, яъни эътиборсизлиги туфайли бундай жиноятлар содир этилмоқда.

Аёл-мўътабар она, азиз опа-сингил, суюкли ва вафодор аёл, ёр, сирдош, маслаҳатдош, тарбиячи, устоз, сиёсатчи, ташкилотчи, тадбиркор ва авлод давомчисидир. Бир сўз билан айтганда, аёл-ғўзаллик тимсолидир.

Жамиятнинг соғломлиги, унинг барқарорлиги ва порлоқ келажаги йўлида ишларни амалга оширишда аёлларнинг ўрни бекиёсдир.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Ооғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрнингиз ва хизматингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва садоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чароғон. Сизлар туфайли оилаларимизда тинч- лик-осойишталик, қут-барака ҳукм сураётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта».

Маълумки, халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорати ва матонати, ақд-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебинисо, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Зеро, аёлнинг оилада, жамиятда, ҳусусан, ҳар бир инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга эътибор сезиларли даражада ошди. Ҳусусан, республикаимиз хотин-қизларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларда фаол иштирок этиш имкониятлари кенгайди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан



зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган:

Ички ишлар органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаетган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг вояга етмаган ва катта ёшдаги аёллар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг йиғиндиси. Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнингни ўрганишда айнан аёл жинсига мансуб шахсларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга таъсир кўрсатувчи крминоген омиллар ва сабабларга эътибор берилмоғи зарур.

Аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг умумий ҳуқуқбузарликнинг тузулишида ижтимоий шарт-шароитларга қараб ўзгариб борадиган, шу билан бир қаторда умуман ҳуқуқбузар эркалар ҳуқуқбузарлигидаги ўзгаришларни такрорламайди. Юқорида зикр этилган сабабларга кўра, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг ўсиб боришга мойил бўлган мустақил қисмини ташкил этади. Амалиётда аёллар эркаларга қараганда анча кам ҳуқуқбузарлик содир этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 2023 URL: <https://lex.uz>. (*Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон*)

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги "Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ЎРҚ-562-сон қонуни // URL: <https://lex.uz>

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 январьдаги "Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳузуридаги "Тўмарис издошлари" жамоавий гуруҳларини



фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21-сон қарори. Тошкент. 2023

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-сентябрдаги “Ҳотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни. Тошкент. 2019 (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019-й., 03/19/561/3680-сон*);

5. Югай, Л. Ю. "КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОМЕТРИЧЕСКИХ ДАННЫХ, СОДЕРЖАЩИХСЯ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ." А437 Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями: материалы двадцатой международной научно-практической конференции/под ред.. 2022.

6. Югай, Людмила. "Методика компьютерно-технической экспертизы по преступлениям в сфере цифровых технологий." Противодействие правонарушениям в сфере цифровых технологий и вопросы организационно-правового обеспечения информационной безопасности 1.01 (2022): 68-76.

7. Югай, Людмила. "Биометрическая идентификация как инновация в криминалистике." Общество и инновации 3.7/S (2022): 238-248.

8. Югай, Л. Ю. "Негосударственная судебно-экспертная деятельность в Республике Узбекистан: становление и развитие." Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями 20-1 (2020): 74-76.

9. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).

